БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 162 (16.852). | 14 июль 1977 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин.

100 ЦЕНТНЕР ДОН УЧУН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республика маккажўхорикорларининг социалистик мусобақаси тўғрисидаги қарорини бригадамиз аъзолари зўр қониқиш билан ўқиб чиқдилар. Эндиликда республикамиз маккажўхорикорлари социалистик мамлакатларнинг маккажўхорикорлари билан ҳам социалистик мусобақани кучайтираётирлар. Бу бизни чексиз қувонтирди.

Бригадамиз аъзолари 62 гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти, гектаридан 100 центнердан «каҳрабо дон» етиштиришга сўз бергаимиз. Ҳозир ўсимлик қийғос сўталаб, дон тугяпти, ҳар тупида икки-учтадан сўта бунёдга келди. Парваришни кун сайин кўчайтирмоқдамиз. Июль ойининг қолган кунларида камида икки марта комплекс парвариш ўтказамиз.

Ҳозир маккажўхорининг бўйи ўсиб кетди. Бу қатор ораларига ишлов бераётган механизатордан малака ва маҳорат талаб қилади. Механизаторимиз Ҳаёт Ҳамроев тракторни моҳирлик билан бошқариб, кунига 5—6 гектар майдонда ишлов ўтказяпти. Маккажўхорининг бачки шохларини қирқиб ташладик, бегона ўтларни бутунлай йўқотдик. Ўсимликка йиллик ўғит нормаси бериб бўлинди. Сувчиларимиз экинни қондириб суғоришяпти.

Юбилей йилида 100 центнерлик ҳосил маррасини сўзсиз эгаллаймиз.

Р. ЙЎЛДОШЕВ,

Бухоро райониндаги «Янги турмуш» колхози маккажўхорикорлик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

САФИМИЗДА ҚОЛОҚЛАР БЎЛМАСИН

Бунёдкорлик кўлами жиҳатидан беқиёс ўнинчи беш йиллик вазифаларини муваффақиятли адо этиш учун кураш мусобақаси кун сайин авж олмоқда. Социалистик мусобақанинг моҳияти экономикани юксалтиришга хизмат қилишдангина иборат эмас, у кенг оммани меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялашда ҳам шубҳасиз катта роль ўйнамоқда. Мусобақа давомида илғорлар саралашиб қолмасдан, шу билан бирга қолоқлар ҳам аниқланади.

«Сафимизда битта ҳам қолоқлар бўлмасин!» деган чақириқ фақат ишлаб чиқаришдаги шиоргина бўлиб қолмай, эндиликда у ахлоқий нормага ҳам айланди. Руҳи тетик бу ташаббус қатнашчилари ўзининггина илғор бўлиб қолиши билан кифояланаётгани йўқ. Улар бир сафда туриб ишлаётган қўшниснинг, ўртоғининг, мусобақалашаётган касбдошининг меҳнати, самарали ва сифатли бўлишига бефарқ қарай олмайдилар. Ғолиблик, илғорлик учун, қолоқларсиз ишлаш учун кураш ҳаракати план ва социалистик мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишини таъминлашда муҳим роль ўйнамоқда. «Сизлар эришилган натижа билан кифояланиб қолмасдан, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев Ростов области меҳнаткашларига йўллаган Мактубида, — ўнинчи беш йилликда қолоқ корхоналаргина эмас, ҳатто қолоқ бригадалар, участкалар ва цехлар бўлмаслигига интилаётганлигингиз, айниқса қувончлидир. «Қолоқларсиз ишлаймиз!» деган шиор сизларнинг корхоналарингизда планни маҳсулотни реализация қилиш жиҳатидан ҳам, шунингдек бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан ҳам, албатта бажаришни ўз ичига олаётганлиги жуда тўғри».

Қолоқларсиз ишлаш ҳаракати кишиларни тарбиялаш, уларга янги касбларни ўргатиш, ортда қолганларга вақтида зарур ёрдам кўрсатиш, кадрларнинг масъулиятини ошириш юзасидан назоратни кучайтириш, шу тарзда топшириқларнинг зиёда қилиб бажарилишини таъминлаш масалаларини ўз ичига олиши билан характерлидир.

Республикамизда қолоқларсиз ишлаш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. Ростов области ва Янгийўл шаҳар меҳнаткашларининг даъватига лаббай деб жавоб бераётган коллективлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, сифат ҳамда самарадорликни ошириш соҳасида улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Қатор корхоналарда қолоқларсиз ишлаш ҳаракати самарадорликни ошириш ҳамда сифат кўрсаткичларини тобора яхшилаш билан қўшиб олиб борилаётганлиги диққатга сазовор. Республика саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг коллективлари бу йил пландан ташқари 400 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида мардона ишлар қилмоқдалар. Индустриямиз азаматлари олти ойлик маҳсулот реализация қилиш планларини ортиғи билан бажаришга эришдилар. Янги цехлар, ишлаб чиқариш участкалари, корхоналар фойдаланишга топширилди. Транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги ортди.

Илғор корхоналарнинг коллективлари 1977 йил социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга қаратилган қўшимча резервларни қидириб топиш ва улардан фойдаланиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Тошкент шаҳар корхоналари меҳнаткашларининг бу соҳада олиб бораётган ишлари айниқса эътиборли. «Ўзбекистекистильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрон техника ва кабель заводларининг партия ташкилотлари юбилей йили социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга қаратилган комплекс тадбирларни ишчанлик билан амалга оширмоқдалар. Пойтахт шаҳар саноатчилари ўз тадбирларида меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, сменалараро бекор туриб қолишни бартараф қилиш, станоклардан янада унумли фойдаланиш ва ускуналарнинг иш самарадорлигини ошириш ҳисобига қолоқларсиз, бир маромда маҳсулот тайёрлашни таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриб, яхши ташаббус бошладилар. Қолоқларсиз ишлаш, олинган мажбуриятларнинг адо этилишини таъминлашда Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё областларининг меҳнаткашлари катта ютуқларга эришмоқдалар. Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги, «Союзмашхлобководство», «Электрохимпром», «Ўзбекистекстильмаш», «Ўзэлектротерм», Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари корхоналари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши учун қатъият билан курашмоқдалар.

Шу билан бирга қолоқлар ҳам бор, белгиланган графикни бажармаётган коллективлар учраб турибди. Масалан, Жиззах трикотаж фабрикасида иш вақтидан фойдаланишнинг аҳволи қониқарли эмас. Ускуналарнинг бекор туришига барҳам берилмаган. Бу, катта резервдан даракдир. Навоий «Азот» бирлашмаси, Жомбой, Қўшкўпир пахта тозалаш заводлари, Қўқондаги «Большевик» заводида топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини тағин ҳам ошириш зарур.

Ростовликлар ва Янгийўл шаҳар меҳнаткашларининг қолоқларсиз, самарали ва сифатли ишлаш учун кўрсатаётган ажойиб ибрати ҳамма жойда кенг қулоч ёйиши, бирорта ҳам участка, бригада, цехнинг планларни ва социалистик мажбуриятларни бажармаслигига йўл қўйилмаслиги лозим.

Тажриба шуни кўрсатадики, қаерда партия органлари ишлаб чиқаришга доимий талабчанлик билан раҳбарлик қилаётган бўлса, ўша коллективларда ғолиблар сафи ўсмоқда, қолоқлар камаймоқда, самарадорлик ва сифат, бошқа энг муҳим техника-иқтисодий кўрсаткичлар юқори. Қолоқларсиз, самарали ва сифатли ишлаш ҳаракатини янада кенгайтирайлик. Бу, КПСС XXV съезди қарорларининг ҳаётга татбиқ этилишини тезлаштиради, юбилей йили топшириқларининг муваффақиятли адо этилишини таъминлайди, Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига меҳнат зафарларимиз салмоғини оширади.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

50 ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

Фрунзе номли колхоз Охунбобоев районида ҳар йили пахтадан юқори ҳосил етиштириб келмоқда. Бу йил ҳам колхоз заршунослари катта марраларни кўзлаб меҳнат қилишяпти.

Хўжаликнинг Абдураҳмон Ҳамидов бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари 112 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, ҳосилдорликни гектар ҳисобига 50 центнерга кўтаришга қарор қилганлар. Иш олинган мажбуриятга яраша ташкил қилинган. Ғўзалар барқ уриб ўсяпти. Шоналар гулга, гуллар кўсакка айланяпти. Ҳозир ҳар туп ниҳолда 4-5 таден кўсак бор. Бу эса бригада бўйича кузда 560 тонна пахта хирмони кўтарилишидан далолат бериб турибди.

Бригадада ғўзаларни культивация қилиш ва суғориш ишлари агротехника талаблари асосида ташкил қилинган. Шу кунларда ниҳоллар бешинчи культивациядан чиқарилди. Бригаданинг Ботир Маматов, Исмат Душаев, Муҳаммад Ҳусанов сингари мириқишкор сувчилари ғўзаларни вақтида қондириб суғоришяпти.

У. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

ИЛҒОРЛАР ДАЛАСИДА

Тошкент область, Бўка райониндаги «Коммунизм» колхози далаларида ғўзалар барқ уриб ўсяпти. 600 гектар майдондаги ғўзалар ёппасига кўсаклай бошлади. Шунинг қувончлиги олд ғўзаларда икки-учтадан тўқ кўсак санаш мумкин. Шона ва гуллар мўлжалдагидан кўп. Буларнинг ҳаммаси гектар бошига 40 центнердан ҳосил албатта олинишидан нишонадир.

Колхоз азаматлари ҳосил тугунчаларини янада кўпайтириш тадбирларини кўришяпти. Далада 12 та чопиқ трактори юксак унумли ишлатиляпти. 60 дан ортиқ об-ҳаёт таратувчилар янада зўр ғайрат ва маҳорат билан меҳнат қиляпти-лар. Улар учун иш икки сменада ташкил этилган. Сувчилар ғўзаларни чилла сувига қондириш учун эгатларга кечалари сув тарашяпти. Колхозда ҳамма деҳқонлар қатори сувчилар ва механизаторларнинг юксак унум билан ишлашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Хўжаликда яхши ва баравж ўсган ғўзаларни танлаб чеканка қилиш ҳам бошлаб юборилди. Бу муҳим агротехника тадбири асосан агрегатлар ёрдамида бажарилаётир. Суратларда: 1. Колхоз раиси Сайдираҳим Саймаков (ўртада) илғор бригада бошлиқлари Аъзам Орипов ва Абдуфайзи Раҳмоновлар билан баравж ғўзаларни кўздан кечиришяпти. 2. Ғўза агрегатлар ёрдамида чеканка қилиняпти.

Ж. Тўраев фотолари.

«КОСМОС-928» УЧИРИЛДИ

1977 йил 13 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-928» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппараатлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-хисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТИНИ ОШИРАЙЛИК

Юбилей йилининг биринчи ярмида республикамиз чорвадорлари самарали меҳнат қилдилар. Ярим йиллик гўшт тайёрлаш халқ хўжалик плани 117 процент, сут 109 ва тухум 130 процент бажарилди. Кўп колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ошди, чорва моллари урчитиб кўпайтириш яхшиланди, чорва моллар ва паррандалар бош сони, шунингдек уларнинг маҳсулдорлиги ҳам кўпайди. Эндиги вазифа қўлга киритилган ана шу муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва янада кўпайтириш, ёз ойларининг қулай фурсатларидан фойдаланиб чорва молларнинг маҳсулдорлигини тағин ҳам ошириб, маҳсулот етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъмин этишдан иборат.

Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан колхоз ва совхозларда мўл, сифатли ва хилма-хил чорва озуқаси жамғарилишига боғлиқ. Кўпчилик илғор колхоз ва совхозларда озуқа тайёрлаш тез суръатлар билан боряпти, беданинг учинчи ўрими тугалланди. Сенаж бостириш топшириғи бажарилди, мўл пичан жамғарилди, маккажўхоридан силос бостириш бошлаб юборилди, озуқа экинларини агротехника қоидалари асосида парвариш қилиш давом эттирилмоқда.

Шу йил 11 июлга қадар 2400 минг гектар майдондаги беда ўриб олинди, кўп қисмидан сенаж бостирилди. 3025 минг тонна дағал хашак тайёрланди, йиллик план 67 процент бажарилди. 1804 тонна сенаж бостирилиб, йиллик план 100 процентга етказилди. 42,5 минг тонна витаминли ўт уни ишлаб чиқарилиб, йиллик план 30 процент бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагисига нисбатан 13,5 минг тонна кўпдир.

Сурхондарё, Тошкент, Наманган, Андижон областларининг, Ромитан, Свердлов, Вобкент, Мирзачўл, Учқўрғон, Наманган, Қува ва бошқа бир қатор районларнинг колхоз ва совхозлари чорва озуқаси тайёрлашни тез суръатлар билан олиб боришяпти.

Аммо баъзи область ва районларда озуқа тайёрлашда сусткашликка йўл қўйилмоқдаки, бундай аҳвол билан сира ҳам келишиб бўлмайди. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Жиззах области хўжаликларида озуқа тайёрлаш суръати мутлақо қониқарсиз. Қорақалпоғистон АССРнинг кўпгина колхоз ва совхозлари ҳанузгача беданинг биринчи ўримини тугаллаганлари йўқ. Бундай хўжаликлар Хўжайли, Қораўзак, Кегайли ва Ленинобод районларида кўплаб учрайди. Беданинг иккинчи ўрими эса атиги 16,2 процент бажарилди.

Об-ҳавонинг ноқулай келиши бу йил деҳқонлар ва чорвадорлар ишини бирмунча қийинлаштирди. Бундай шароитда партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари озуқа тайёрлашдаги барча имкониятлардан усталик билан фойдаланиб, самарали усулларни жорий қилиб, кўпроқ пичан, сенаж ва силос бостиришни таъмин этишлари керак. Суғориладиган зоналарда озуқа етиштиришни кўпайтириш билан бирга дарё соҳиллари канал, йўл ва ариқ бўйлари ҳамда бошқа жойлардаги табиий ўтларни ўриб олиш ишини кенг ташкил қилган хўжаликларнинг иши ҳар томонлама таҳсинга лойиқдир.

Хоразм областида дағал хашак тайёрлаш плани 47,5 процент бажарилди. Урганч, Гурлан, Хонқа, Хива районларининг хўжаликлари озуқа жамғаришда орқада қолишяпти. Боғот, Гурлан ва Ҳазорасп районларида витаминли ўт уни ишлаб чиқариш қониқарсиз ташкил қилинган. Қўшкўпир, Хонқа, Шовот ва Янгиариқ районлари хўжаликлари бу кимматбаҳо чорва озуқасини ишлаб чиқаришга ҳанузгача киришганлари йўқ. Бу область ва районларнинг партия ташкилотлари дарҳол зарур чораларни кўриб, мазкур хўжаликларда озуқа тайёрлаш суръатини оширишлари керак.

Жиззах областининг колхоз ва совхозлари дағал хашак жамғариш планларини 49,8 процент, топшириқни эса 39 процент бажардилар. Фориш, Зомин, Ғаллаорол ва Бахмал районларида озуқа тайёрлашда ўзгариш бўлмаётир. Кейинги ҳафтада бу районларнинг хўжаликлари озуқа тайёрлаш суръатини янада пасайтириб юбордилар. Областдаги мавжуд 12 та АВМ маркали агрегатдан 8 таси ишлаб турибди. Уларнинг иш унуми паст. Ғаллаорол районида бир агрегат билан кунига 1,4 тонна, Октябрь районида эса 0,6 тонна витаминли ўт уни тайёрланмоқда, холос. Область бўйича нормада белгиланган 5-6 тонна ўрнига кунлик кўрсаткич 2,1 тоннадан ошмаётир.

Ўтган ҳафта ичида Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона областларининг хўжаликлари озуқа тайёрлашда яхши кўрсаткичга эришдилар. Қуйида Ўзбекистон ССР марказий статистика бошқармасининг шу йил 11 июлга қадар озуқа жамғариш тўғрисидаги маълумоти берилди (мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида).

	Дағал хашак		Сенаж	
	йил бошидан	шу жумладан кейинги ҳафтада	йил бошидан	шу жумладан кейинги ҳафтада
Андижон	80,1	1,9	86,1	1,1
Қашқадарё	77,7	4,6	108,1	5,1
Тошкент	74,5	4,7	100,5	2,6
Наманган	67,6	5,8	68,8	4,1
Самарқанд	57,7	6,7	73,5	6,0
Сирдарё	51,4	2,5	67,0	1,1
Сурхондарё	51,3	6,6	117,4	8,2
Фарғона	49,7	6,0	61,5	5,5
Бухоро	46,1	5,0	74,1	0,9
Жиззах	39,5	5,6	52,0	3,5
Хоразм	35,1	3,6	61,2	2,0
ҚҚ АССР	17,8	3,7	19,3	2,0

Озуқа базасини мустаҳкамлашда силосбоп экинлар муҳим ўрин тутади. Яхши силоснинг ўрнини чорва рационида бошқа бирон озуқа боса олмайди. Шунинг учун ҳам илғор хўжаликлар силос бостириладиган ҳандакларни олдиндан тайёрлаб, ўрим техникасини шай қилиб қўйдилар ва силос бостиришнинг биринчи кунлариданоқ юқори суръатга эришмоқдалар. Барча хўжаликларда силос бостиришга пухта тайёргарлик билан киришиб, бунга барча техникани жалб қилиш ва қисқа муддат ичида силос учун мўлжалланган маккажўхорини ўриб олиб, сифатли силос бостиришни таъминлаш зарур.

Чорва озуқаси тайёрлашда ҳал қилувчи давр бошланди. Партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органларининг вазифаси озуқа жамғариш юзасидан белгиланган топшириқни ошириб бажариш учун барча тадбирларни амалга оширишдан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

П. А. КОБОЗЕВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Совет ҳукуматининг Туркистон Республикасидаги фавқулодда комиссари, Туркистон Автоном Совет Республикаси Марказий ижроия комитетининг Раиси Пётр Алексеевич Кобозевнинг Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатишдаги катта хизматларини ҳисобга олиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети у туғилган кунинг 100 йиллигини кенг нишонлашга қарор қилди.

1978 йил сентябрида Тошкент шаҳри жамоатчилигининг П. А. Кобозев юбилейига бағишланган тантанали йиғилишини ўтказиш белгиланди. Тошкент шаҳридаги кўчалардан бири унинг номи билан аталади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти билан Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети П. А. Кобозевнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида брошюра тайёрлаб нашр этадилар. Республика газеталари ва журналларининг редакцияларига П. А. Кобозевнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги материалларни эълон қилиш топширилди.

П. А. Кобозевнинг юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун комиссия тузилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Совет Ўзбекистони» газетасида 1977 йил 3 июль куни эълон қилинган «Бир тўй фожиаси» сарлавҳали мақоланинг тўғри ва ўз вақтида ёзилганлигини қайд этди.

Кейинги вақтларда бир қанча жойларда оилавий тантаналар кўпинча баъзан неча кунлаб давом этадиган ва катта моддий чиқим қилишишга олиб борадиган оммавий сайилларга айлантириб юборилмоқда. Кўпинча бундай базми жамшид ярим кечадан ошгунча тўла қувват билан ишлайдиган овоз кучайтириш аппаратлари ва динамиклар ёрдамида ўтказилмоқда, бу эса меҳнаткашларнинг оромини бузмоқда ва ҳақли шикоятларга сабаб бўлмоқда. Айрим ҳолларда анъанавий халқ меҳмондўстлиги кўпроқ меҳмон тўплаш ва ортиқча чиқим қилиш юзасидан обивателларча мусобақалашувга айланиб кетмоқда. Кўпгина базми жамшидларда профессионал артистлар ҳусусий тартибда хизмат қилиб бермоқдалар. Тўйларда ва бошқа тантаналарда кераксиз исрофгарчиликка интилиш одамларга катта моддий зарар етказади, уларнинг маданий савиясига ва фаровонлигига салбий таъсир қилади.

Янги урф-одатлар ва расм-русумларни пропаганда қиладиган ва жорий этадиган кўпгина кенгашлар пассив ишламоқда, бизнинг воқелигимизда юзага келган ва коммунистик турмушни шакллантиришга ёрдам берадиган янги анъаналарчи суст жорий қилмоқда. Айрим партия, совет ва жамоат ташкилотлари кўпинча ана шу салбий ҳолатларга муросасизлик билан қарамоқдалар, уларга лозим даражада сиёсий баҳо бермаётирлар, ўтмиш сарқитларига ва шу сарқитларни давом эттираётганларга қарши кескин кураш олиб бормаётирлар, одамлар ҳаётига янги совет урф-одатлари ва расм-русумларини жорий этишга дуруст эътибор бермаётирлар.

Область, шаҳар, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига одамларнинг онги ва ҳулқ-атворидаги ўтмиш сарқитларига қарши, диний ва обивателлик аҳлоқи кўринишининг ҳар қандай ҳолларига қарши курашни кучайтириш, одамларнинг моддий имкониятлари ўсган сайин уларнинг ғоявий-аҳлоқий ва маданий савияси ҳам доимо ошиб боришига интилиш таклиф этилди. Совет турмуш тарзини ва унинг афзалликларини изчиллик ва собитқадамлик билан пропаганда қилиш, меҳнаткашларни ва айниқса ёшларни майда буржуа психологияси кўринишларига муросасизлик руҳида тарбиялаш, меҳнат коллективларининг таъсиридан, ишонтириш методлари ва қонун кучидан тўла-тўкис фойдаланиш тавсия этилди.

Партия органларига, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига, министрликлар ва идораларга, ижодий союзлар ва ташкилотларга, Ўзбекистон ССР «Билим» жамиятига янги урф-одатлар ва расм-русумларни пропаганда қилиш ва меҳнаткашлар турмушига жорий этишни янада кучайтиришга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш, янги инсонни тарбиялашда партия группаларининг, депутатлик комиссияларининг, жамоатчилик кенгашларининг, ўртоқлик судларининг, хотин-қизлар кенгашларининг, маҳалла ва ота-оналар комитетлари, жэклар ва уй бошқармаларининг ролини ошириш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, совет, касаба союз, комсомол органлари, Маданият министрлиги, кинематография давлат комитети, республика Физкультура ва спорт комитети зиммасига меҳнаткашларнинг маданий дам олишини янада яхшилашни, аҳолининг маънавий эҳтиёжларини янада тўла-тўкис қондиришни таъминлаш, маданий-оқартув муассасалар фаолиятини, шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари орасидаги, айниқса ёшлар ўртасидаги спорт оммавий ишини яхшилаш вазифасини юклади.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ УЧУН

● БИЛИМ ВА ҲУНАР МАСКАНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА
● КАТТА ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ
● ЁШЛАР УЧУН КЕНГ ИМТИЁЗЛАР

Республика пойтахтида яқинда яна бир билим даргоҳи ишга тушди. Унинг эшиклари ёшлар учун кенг очиб қўйилди. Янги билим ва ҳунар маскани Тошкент метрополитени учун юксак малакали, билимдон ишчилар тайёрлаб беришга даъват этилгандир. Бу ерда ёшлар турли хил касб-ҳунарга ўргатилиб, ер ости транспорти хизматида ишлайдилар, метрополитеннинг янгидан-янги тармоқларини бунёд этишда ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Янги билим ва ҳунар даргоҳига кириб ўқишни ҳоҳлаган ёшлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Айниқса проходчилик касбига бўлган иштиёқ кўпроқ сезилаётир. Буни кўпчилик ёшларнинг аризаларидан ҳам билса бўлади.

Бу йил республикамизда шунга ўхшаш янги ҳунар-техника билим юртларидан 30 га яқини иш бошламоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими давлат комитетида «Совет Ўзбекистони» мухбирига қуйидагиларни баён этишди:

Ўзбекистондаги барча мавжуд ҳунар-техника билим юртларида халқ хўжалиги учун зарур бўлган малакали ёш мутахассислар, билимдон ишчилар тайёрлаб берилмоқда.

Янги ҳунар-техника масканларини очишда саноат, химия ишлаб чиқариши учун лаборантлар, чарм ва чарм ишлайдиган соҳа учун ишчилар, «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмаси учун мутахассисларнинг кўплаб талаб этилаётганлиги ҳам ҳисобга олинган.

Бу йил республикадаги мавжуд барча билим юртлари ва янгидан очилаётган ҳунар-техника таълими мактабларига 55 мингга яқин йигит ва қиз қабул қилинади. Бу эса ўтган йилдагига кўра 16 минг кишига кўпдир. Бундан ташқари 230 хил соҳадаги малакали ишчилар тайёрлаб чиқариш мўлжалланаётир. Ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб чиққан ёшлар республикамиз экономикасини янада тараққий эттиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасида совет кишиларининг меҳнат қилишлари, касб танлашлари ҳунар-техника билим юртларида бепул ўқишлари таъмин этилганлиги алоҳида қайд этилган.

Юқорида келтирилган фактлар партия ва ҳукуматимиз томонидан ёшлар тўғрисида қилинаётган буюк ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси деб дадил айтиш мумкин.

Бизнинг жамиятимизда ёшларнинг билим олишлари, ҳунар эгаллашлари учун барча имкониятлар мавжудки, буларнинг ҳаммаси истиқбол эгалари тўғрисида қилинаётган беқиёс ғамхўрликларидан тўла далолат бериб турибди.

СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мамлакатимиз тарихида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган воқеадир.

Лойиҳанинг қайси бўлими, боби ва моддаси билан танишманг, унда совет кишилари тўғрисида, социалистик Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши тўғрисидаги ғамхўрлик яққол кўзга ташланади. Совет кишилари Конституция лойиҳасини якдиллик билан маъқуллаб, партиямизнинг ва Совет давлатининг халқ фаровонлиги ва бахт-саодати тўғрисидаги чинакам ғамхўрлигига ўзларининг сиёсий ва меҳнат активликларини ошириш билан жавоб бермоқдалар.

Ҳозир амалда бўлган Конституциямизнинг синовдан ўтган кўпгина принципиал қоидаларини сақлаб қолиш билан бирга лойиҳа совет тарихининг бутун конституцион тажрибасини ҳозирги замон талабларига мувофиқ келадиган янги мазмун билан бойитади. Унда социализмнинг буюк ғалабаларини акс эттириш билан бирга совет давлатининг олий мақсади синфсиз коммунистик жамият қуриш эканлиги, шунингдек ривожланган социалистик жамиятнинг асосий белгилари ҳам ёзиб қўйилган. Халқ хўжалигида раҳбарлик қилиш принциплари (демократик централизм, социалистик қонунчилик, планли раҳбарлик ҳамда Совет давлатининг жамиятимиз маънавий ҳаётидаги ролининг акс эттирилиши лойиҳадаги муҳим янгиликлардандир. Давлатимизнинг тинчликсевар ленинча ташқи сиёсати конституцион принцип даражасига кўтарилаётир.

Лойиҳанинг СССР гражданларининг асосий ҳуқуқлари ва бурчларига бағишланган 7-боби айниқса диққатга сазовордир. Мамлакатимизда ривожланган социализм қурилганлиги Асосий Қонуннинг совет гражданларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидаларини анча такомиллаштириш имконини беради. Совет гражданларига амалдаги

РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ КОНСТИТУЦИЯСИ

Конституция томонидан гарантияланган социал-иқтисодий ҳуқуқларнинг мазмуни мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида янада чуқурлашди, конституциянинг замиридаги моддий гарантиялар янада бой ва салмоқли бўлиб қолди. Янги Конституция лойиҳаси бу ҳуқуқларни тўла тасдиқлаш ва уларнинг гарантияларини кучайтириш билан бирга совет гражданларининг бир қатор янги социал-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини ҳам эълон қилмоқда. Бу янги ҳуқуқлар орасида СССР гражданларининг соғлиқларини сақлаш ҳуқуқи, уй-жойли бўлиш ҳуқуқи, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида уларга таклифлар киритиш, ишдаги камчиликларни танқид қилиш, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари устидан шикоят қилиш каби ҳуқуқлари биринчи марта конституцион ҳуқуқлар даражасига кўтарилмоқда.

Иттифоқдош республикалар суверен ҳуқуқларининг гарантиялари сақланиб қолингани ҳолда лойиҳада уларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш кўзда тутилган. Масалан, ССР Иттифоқи ихтиёрига топшириладиган масалалар Иттифоқ органлари томонидан ҳал этилишида республикаларнинг қатнашиш ҳуқуқи ва уларнинг СССР Олий Советида қонун чиқариш ташаббусини кўрсатиш ҳуқуқи Иттифоқдош республикаларнинг янги ҳуқуқларидир. Автоном республикалар ҳуқуқлари ҳам бир мунча кенгайтирилади. Автоном республика территорияси унинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмаслиги ёзиб қўйилмоқда.

СССР янги Конституциясининг қабул қилиниши совет демократияси тараққиётида янги босқич бўлди.

Конституция лойиҳасини тўла маъқуллаш билан бирга айрим таклиф ва мулоҳазаларни айтиб ўтишни лозим топамиз.

Лойиҳанинг 75-моддасида иттифоқдош республиканинг қуйидаги таърифи берилган: «Иттифоқдош республика — бошқа совет республикалари билан Совет Социалистик Республикалар Иттифоқига

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

бирлашган Совет Социалистик давлатидир». Бу таъриф янада аниқроқ кўрсатишни тақозо этади.

Маълумки миллий принцип совет социалистик федерациясини территориал принципда тузиладиган буржуа федерацияларидан фарқловчи асосий белгилардан биридир. Шунинг учун 75-**моддани қуйидагича редакцияда беришни таклиф қиламиз: «Иттифоқдош республика — бошқа совет республикалари билан Совет Социалистик Республикалар Иттифоқига бирлашган миллий Совет Социалистик давлатидир».**

Лойиҳанинг 80-моддасида иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқлари ССР Иттифоқи томонидан қўриқланиши тўғрисида муҳим қоида кўзда тутилган. СССРнинг амалдаги Конституциясининг 15-моддасида бу норма «СССР иттифоқдош республикаларнинг суверен ҳуқуқларини қўриқлайди» деган формулировкада берилган, 1936 йил Конституциясининг бу формулировкаси мақбулроқдир. Чунки у Иттифоқ давлатининг федерация субъектлари олдидаги мажбуриятини таъкидлаб кўрсатади ва шу билан иттифоқдош республикалар суверен ҳуқуқлари гарантиясини кучайтиради. Шунинг учун биз лойиҳанинг 80-моддасида мустаҳкамланган қоидани 9-бобдан Иттифоқ давлатига бағишланган 8-бобга кўчириб, уни 1936 йил Конституциясининг редакциясида ёзишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Лойиҳанинг 12-боби халқ депутатлари Советларининг системаси ва ишлаш принципларига бағишланган. Шу бобга киритилган 91-моддада халқ контроли органларининг тузилиши ва функциялари кўрсатилган. Бу эса мазкур бобнинг мазмунига ҳам, структурасига ҳам тўғри келмайди. Лойиҳа 124-моддасининг иккинчи қисмида СССР Олий Совети СССР халқ контроли Комитетини тузиши кўзда тутилган. Бу норма ҳам мазкур моддага сунъий равишда бирлаштирилган. Шуниси характерлиқи, СССР Олий Советига бағишланган 15-бобда бу орган томонидан СССР Министрлар Советининг тузилиши тўғрисида ҳам, СССР Олий Судининг сайланиши тўғрисида ҳам, СССР бош прокурорининг тайинланиши тўғрисида ҳам сўз юритилмаган, чунки мазкур органлар тўғрисида лойиҳада махсус боблар бор. **Бизнингча, лойиҳанинг VII бўлимига халқ контроли органларига бағишланган махсус боб киритилиши лозим. Бу эса 91-моддани ва 124-модданинг иккинчи қисмини чиқариб ташлаш ва шу йўл билан Конституция структурасини яхшилаш имконини беради.**

Лойиҳанинг 54-моддаси шахс дахлсизлигини гарантиялайди. Гражданларнинг шахсий эркинлиги алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, лойиҳа судининг қарорисиз ёки прокурорнинг рухсатисиз ҳеч ким қамоққа олинниши мумкин эмаслигини белгилайди. Лойиҳанинг 159-моддасида эса шахс дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги яна бир муҳим гарантия кўзда тутилган: «Суднинг ҳукми бўлмаса ва қилган ҳаракати жиноят қонунига тўғри келмаса ҳеч ким жиноят қилишда айбдор деб топилиши ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас». **Шахс дахлсизлиги гарантияларини кучайтириш мақсадида 159-моддада баён қилинган қоидани лойиҳанинг 54-моддаси билан бирлаштириш мақсадга мувофиқдир.**

Ниҳоят, биз иттифоқдош республикаларнинг СССР Министрлар Совети ҳузуридаги доимий вакилларини Конституцияда белгилаш тўғрисида матбуотда қилинган таклифни қўллаб-қувватлаймиз. Бу — вакилликнинг Конституцияда кўрсатилиши иттифоқдош республикаларнинг обрў-эътиборини янада оширган бўларди. Фикримизча, лойиҳанинг 9-бобига қуйидаги мазмундаги алоҳида модда киритиш мақсадга мувофиқдир. «Иттифоқдош республиканинг СССР Министрлар Совети ҳузурида доимий вакиллиги бўлади».

С. ИИГИТАЛИЕВ,
юридик фанлари кандидати.

Чечен —Ингушия АССРда галла ўрим-йиғими жуда яхши ўтмоқда. Айниқса Гудермесс райони механизаторлари бу борада катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бу ерда иш икки сменада ташкил қилинган. Кўчма ремонт бригадалари агрегатларни ўз вақтида ремонт қилиб туришибди. Суратда: Гудермесс районидаги «Дружба» совхозида галла ўрим-йиғими пайти.

Р. Дик фотоси.



ЗАМИН ҲОСИЛИ

ҚИРҒИЗИСТОН. Аравон районидаги «Янгийўл» колхозининг деҳқонлари диёрида меҳнат байрами: пахтазорларда одатдан ташқари барвақт кўсаклар пайдо бўлди. Бу муваффақият пахтакорларнинг зўр ғайрат билан қилган меҳнати натижасидир. Бригадаларнинг ҳаммаси далаларда ғўза қатор ораларига тўрт марта комплекс ишлов бериб, ўсимликларнинг баравж ривожланишига эришдилар.

Қирғизистон пахтакорлари учун бу йил машаққатли келди. Деҳқонлар ва механизаторлар тупроқ қатқалоғини бир неча бор юмшатдилар, ғўза ниҳолларини кўп миқдорда минерал ўғитлар билан озиқлантирдилар. Уларнинг ҳаммаси ғўзанинг тез ривожланишига ёрдам берди.

Ғўзалар барвақт кўсаклай бошлаганлиги мўл ҳосилдан дарак беради.

КОЛХОЗГА СОЦИОЛОГ КЕЛДИ

ТОЖИКИСТОН. Вахш водийсидаги катта пахтачилик хўжалиги — Ленин номли колхозда янги касб вакили пайдо бўлди. Бу ерга доимий ишлагани социолог келди. У коллективни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш учун таклиф этилди.

Колхоздаги қурилиш қўлами архитекторлар ва бошқа мутахассислар иштирокини ҳам тақозо қилди. Хўжаликнинг тўққизта посёлкаси бош план асосида қурилмоқда. Янги мактаблар, болалар боғчалари, маиший хизмат корхоналари, спорт комплекси қурилмоқда. Маданият ва истироҳат парки барпо этилди.

Колхознинг йиллик ялпи даромади 8 миллион сўмга боради. Бу эса коллективнинг социал тараққиётига катта-катта маблағлар сарфлаш имконини беради.

ТАРИХ САҲИФАЛАРИ

Совет киноснинг ташкилотчиларидан бири, режиссёр ва сценарийчи Дмитрий Босалиго белорус кинематографчиларининг «Революция даъват этганлар» деган янги ҳужжатли лентасининг қаҳрамони бўлди. У 20-йилларнинг бошларида «Пролетарлар киноси» деган акционер жамиятга бошчилик қилган, В. И. Ленинни дафн этиш маросимини суратга олганди. Фильмда кўрсатилган ҳужжатли материал Дмитрийнинг укаси — Константин Босалиго тўғрисида ҳам ҳикоя қиларди. У Владимир Ильичга Урал большевикларидан РСДРП V (Лондон) съезднинг делегати мандатини элтиб берганди.

Белорус қишлоқ фельдшерининг ўғиллари, революциянинг актив қатнашчиларининг қисмати тўғрисида ҳикоя қилувчи лента Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган, — деди «Белорусфильм» киностудияси директорининг ўринбосари Ю. Л. Рибченок. — «Йўл уфқлари» деган тўла метражли ҳужжатли фильм шонли санада экранларга чиқади. Бу фильм Совет ҳокимияти йиллари мобайнида қардош республикалар оиласида Белоруссия босиб ўтган шонли йўл тўғрисида ҳикоя қилади. Томошабинлар республиканинг таниқли партия ва давлат арбоблари, уруш ва меҳнат ветеранлари тўғрисида олинган портрет-фильмларни ҳам кўрадилар. (ТАСС).

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

ҚИЗҒИН УЧРАШУВЛАР

«Ўзбекистонлик азиз ўртоқлар. Сизлар биз, москвликларга Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги олдидан ажойиб кўргазмани туҳфа этганингиз учун самимий ташаккур изҳор этамиз. Партиянинг ленинча доно миллий сиёсати туфайли Совет ҳокимияти йилларида ўзбек диёрида содир бўлган ажойиб ўзгаришлар тўғрисида ҳикоя қилувчи материалларни зўр қизиқиш билан кўздан кечирдик». СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг павильонларидан биридаги меҳмонлар дафтарига москвликлардан бир группаси ана шу сўзларни ёзиб қолдирган. Шу павильонда Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган Ўзбекистон юбилей экспозицияси кенг намойиш қилинган. Бундай фикрлар кўплаб ёзиб қолдирилган. Ёзувларнинг ҳар бирида Ўзбекистон меҳнаткашлари қўлга киритган муваффақиятлар билан фахрланиш туйғуси Советлар мамлакатининг халқларига, шу жумладан ўзбек халқига тараққиёт ва бахт-саодатнинг ёрқин йўлини очиб берган Октябрга, Улуғ Коммунистик партиясга ташаккур изҳор этилган.

Ўзбекистон ССРнинг юбилей экспозициясини ҳозирнинг ўзидаёқ юз мингдан ортиқ киши кўздан кечирди. Бу ерда барча иттифоқдош республикаларнинг, кўпгина ҳорижий давлатларнинг намояндалари бўлишди.

Ўзбекистон экспозицияси қўйилган павильон ҳозир фахрий меҳмонларни қабул қилмоқда. Республиканинг областларидан бу ерга бирнкетин делегациялар келмоқда. Шу кеча-кундузда павильонда Наманган областининг вакиллари меҳмон бўлиб турибди. Область делегацияси составида шойи газламалар комбинатининг йигирувчиси, СССР Олий Советининг депутати Дилора Тошпўлатова, 10-қурилиш трести комплекс бригадасининг раҳбари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Нигматилла Қўчқоров, Учқўрғон районидаги «Учқўрғон» совхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хошимхон Эшонов, Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг тракторчиси Суяр Эсонов, область меҳнаткашларининг бошқа намояндалари бор.

Павильонда фахрий меҳмонлар билан томошабинларнинг шодиёна учрашуви бўлди. Наманганликлар юбилей вахтасида туриб қўлга киритган ютуқлари, СССР Конституцияси лойиҳасининг муҳокама қилинаётганлиги, КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорлари туфайли областда содир бўлган зўр сиёсий жўшқинлик ва меҳнат ғайрати тўғрисида бевосита стендлар ёнида туриб гапириб бердилар.

Виставка томошабинлари Наманганнинг ноз-неъматлари — кишининг иштасини очадиган олма, шофтоли, қовун-тарвуз, сабзавотларни мароқ билан кўздан кечирдилар. Улар наманганликлар юбилей йилида пахта, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўлкўл ҳосил кўтаришга аҳд қилганликлари тўғрисидаги гапларни айниқса мамнунлик билан тингладилар. Тўрақўрғон район маданият уйининг «Дилшод» қўшиқ ва рақс ҳаваскорлик ансамбли халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўзининг юксак маҳоратини намойиш қилди. Уларнинг шаънига узоқ давом этган қарсаклар янгради.

Наманган областининг вакиллари Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бошқа тематик павильонларида ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилиб кўрсатдилар. (ЎзТАГ).

Х ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛДА

ФЕСТИВАЛЬ: ЛЕНИНГРАД АЙЁМИ

ЛЕНИНГРАД, 12 июль. (ТАСС махсус мухбирлари И. Векслер, В. Петруня). Москвада ўнинчи халқаро кинофестиваль конкурс экранларининг чироқлари бир кунга ўчди. Ленинград фестиваль учрашувлари эстафетасини қабул қилиб олди. Вагонларига «Фестивальний» деган лавҳа ёзиб қўйилган махсус поезд Москва вокзалига эрталаб етиб келди. Ўшанда бир неча ўнлаб мамлакатдан келган кино арбоблари: «Улуғ Октябрь шаҳри сизларни муборакбод этади», — деган табрик сўзларини эшитдилар.

Бундан олтмиш йил муқаддам жаҳонни ларзага солган революция мана шу шаҳарда юз берган эди. Владимир Ильич Ленин Совет ҳокимиятини эълон қилган тарихий кун тўғрисидаги ҳикояни меҳмонлар Смольнийнинг катта залида алоҳида диққат-эътибор билан тингладилар. Смольнийда В. И. Ленин квартира-музейи, сарой майдони, Қишлик сарой, Ғалаба майдони... мамлакатнинг революцион тарихи, унинг қаҳрамонона ўтмиши Нева соҳилидаги шаҳарда кинематографчиларнинг кўз ўнгида яққол намоён бўлди.

Меҳмонлар фақат экскурсиячиларгина эмас. Жаҳон киносининг илғор арбоблари ўз ижодларини замонамизнинг муҳим проблемалари билан боғламоқдалар, Улуғ Октябрь ғояларидан илҳомланмоқдалар. Советлар мамлакати билан, бу мамлакат одамларининг ҳаёти билан танишиш фестиваль меҳмонлари учун яратиб берилган қулай имкониятдир.

— Мен, — дейди Эрон кинематографиячиси Носир Бурҳон Озод, — СССР билан мамлакатим ўртасидаги маданий алоқалар доирасида Совет Иттифоқи тўғрисида ҳужжатли фильмни суратга олиш тўғрисида топшириқ олганман. Бу ҳужжатли фильм Москва, Тбилиси, Ереван ва албатта, Ленинград тўғрисидаги киссадир. Менга кўпгина мамлакатларда бўлиш насиб этган, лекин мен СССРнинг қиёфасини ҳужжатли кадрларда зўр иштиёқ ва мароқ билан суратга оламан.

Франция продюсерлар ташкилотининг намояндаси — президенти Рене Тевене ҳам Совет Иттифоқи билан танишиш имкониятига эга бўлганлигидан мамнундир: Бу ажойиб мамлакат. Бу ерда кўпгина дўстларим бор. Мен бадиий фильмлар конкурсининг жюри аъзоси бўлиш тўғрисидаги таклифни бажонудил қабул қилдим. Москва фестивали жаҳондаги энг аҳамиятли ва иштирокчиларининг состави жиҳатидан энг демократик фестивалдир.

Вьетнамлик артист Ву Тхань Ту хоним ўз таассуротлари тўғрисида завқ-шавқ билан гапириб берди:

— Совет Иттифоқи — ривож топган социалистик жамият. Биз — улуғ Ленининг орзуси рўёбга чиққанлигининг шоҳидларимиз. Халқимиз ҳам Ленин кўрсатган йўлдан бормоқда.

...Фестиваль кенг қанот ёзмоқда. Фестиваль учрашувларининг давраси кенгаймоқда.

Самарадорлик ва сифат учун

ИККИ ТРЕСТ—ИККИ УСЛУБ

КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумида чорвачиликни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Гўшт маҳсулоти етиштиришни жадал кўпайтиришнинг муҳим манбаларидан бири паррандачилик фабрикаларидир. Бу КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Парранда гўшти етиштиришни кўпайтириш чоралари тўғрисида» чиқарган қарорида ҳам алоҳида уқтирилди.

Ўтган беш йилликда республикамизда «бройлер» деб аталмиш тез етилар гўштбоп жўжалар парвариш қилинувчи тўртта ихтисослаштирилган фабрика ишга туширилди. Улар бир йилда 7 миллион паррандани реализация қилишга мўлжалланган. Асосий цехларда қувватларни ўзлаштириш тугалланди. Бу йил мазкур корхоналар тармоқда етиштирилаётган парранда гўштининг қарийб ярмини — 7,5 минг тонна маҳсулотни беради.

Ўнинчи беш йилликда яна ўчта: Тошкент шаҳри атрофида 6 миллион, Жиззах областида 4 миллион ва Сирдарё областидаги «Целинник» совхозида 3 миллион бошга мўлжалланган йирик паррандачилик фабрикаси қуришга қарор қилинган. Бошқача қилиб айтганда, бройлер етиштириш уч баравар кўпаяди.

Паррандачиликни саноат негизида ривожлантиришнинг КПСС XXV съезди қарорларида кўзда тутилган кенг кўлами унга кўплаб капитал маблағ ажратилаётганида ҳам ўз ифодасини топди. 1976—1980 йилларда республикамизда 116 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак. Бу йил эса 43 миллион сўмликдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилиши лозим. Муболағасиз айтиш мумкинки, паррандачиларнинг муваффақиятлари кўп жиҳатдан қурилиш ташкилотлари коллективларининг ғайрат-шижоат кўрсатиб ишлашига боғлиқ бўлиб қолди. Шу нарса диққатга сазоворки, паррандачилик фабрикаларини республикамизнинг турли областларида қуришга катта аҳамият бериляпти. Масалан, Қашқадарё, Наманган ва Сурхондарё областларида яқин-яқингача бундай корхоналар йўқ эди.

Кейнинги икки-уч йил ичида энг яхши паррандачилик фабрикаларида тўпланган тажриба бундай корхоналарни реконструкциялашга сарфланган капитал маблағларнинг юксак самара беришини ёрқин исботлади. Шунинг учун бу йил «Узптицепром» бирлашмаси бўйича реконструкциялашга ажратилган маблағ бутун қурилишлар сарф-харажатининг 41 процентини ташкил этади.

Цехларни реконструкциялаш ишлари Тошкент областидаги Бўстонлиқ паррандачилик фабрикасида, Фарғона областидаги СССР 50 йиллиги номли корхонада, айниқса, кенг кўламда амалга оширилиб, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга аҳамият бериляпти. Маълумки, иккала фабрика ҳам бир хил қувватга — 200 минг товуққа мўлжалланиб қурилган бўлиб, модернизация тугагач, уларнинг ҳар бирида 600 минг бошдан парранда парвариш қилиниши мумкин.

Саноат негизидаги паррандачилик объектлари қурилиши қандай ташкил этилган? Қисқача айтганда, ўтган йилги иш натижалари қувонарли эмас. Тўрт ярим миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилмади. «Узптицепром» бирлашмаси буюртмаларини адо этувчи бош пудратчи ташкилотлардан фақат биттаси — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг республика қурилиш трести эвиммасига олган мажбуриятларини ошириб уддалади.

Қишлоқ қурилиши министрлиги бўлинмалари 1975 йилдаги муваффақиятларини мустаҳкамлай олмадилар. Ўтган йилнинг охирларига келиб, икки миллион сўмликдан кўп иш ўлда-жўлда қолди. Бу ҳам ҳолва. Республика Қурилиш министрлиги трестлари давлат топшириқларини 79,6 процентдан оширолмадилар.

Паррандачилик фабрикаси қурилишларида капитал маблағларни ўзлаштириш таҳлили шуни кўрсатадики, қаерда область ташкилотлари амалий назорат олиб бораётган бўлса, ўша жойда қурилиш-монтаж ишлари тобора олга силжимоқда. Буни Жиззах ва Наманган областларида қўлга киритилган ютуқлардан ҳам билса бўлади. Афсуски, паррандачилик фабрикаларини қуриш ишлари Самарқанд ва Сурхондарё областларида ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оқибатида республикада топширилиши лозим бўлган асосий фондларнинг 60 фойизигина қўлдан чиқарилди.

Маълумки, Қарши чўлини ўзлаштириш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Қўриқ массивларда посёлкалар ва аҳоли пунктлари тобора кўпаяётир. Аҳолини паррандачилик маҳсулотлари билан таъминлаш — муҳим вазифалардан бири. Бу ерда паррандачилик фабрикасини Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг 13-трести бунёд этмоқда. Қурилиш 1973 йилда бошланган эди. Бутун объектни 1975 йилнинг охирида топириш кўзланганди. Амалда объектнинг ярим қуввати — 100 минг бош товуққа мўлжалланган қисми ишга туширилди, холос. Қурилишда шунчалик кўп камчиликка йўл қўйилдики, биргина тухум сақланадиган омборни тузатишнинг ўзи саккиз ой вақтни олди.

Ҳозир объектда бешинчи йил қурилиш кетяпти. Қарийб яна икки миллион сўмлик ҳажмда иш бажарилиши керак. Энг ачинарлиси шундаки, ҳаракатдаги дастлабки цехларнинг ишчилари учун уй-жойлар ҳануз битмаяпти. 2800 квадрат метр уй-жой биносини фойдаланишга топириш плани барбод этилди. Натижада янги корхонага ишчи кадрларни жалб этиш муаммолигича қолмоқда. Объектларни ишлатувчилар учун зарур бўлган ёрдамчи бинолар ва қушхона цехи қурилиши ҳаддан ташқари чўзиб юборилди.

13-трест бошқарувчиси М. Саломовнинг мазкур муҳим объектга масъулиятсизларча муносабатда бўлаётганлиги ҳақида Қарши паррандачилари Республика қурилиш министрлигига бир неча марта маълум қилдилар. Бироқ министрлик нима учундир ҳеч қандай чора кўрмаяпти.

Шу министрликнинг бошқа—165-трести (бошқарувчиси В. Анохин) ҳам Термиздаги 200 минг бош товуққа мўлжалланган паррандачилик фабрикаси қурилишига совуққонлик билан қараяпти. Трест бинокорлари ўтган йили 1 миллион сўмлик маблағни ўзлаштирмай қолдилар. Бунинг устига трест узоқ вақтгача буюртмачи билан уй-жой биноларини ғиштдан ё панелдан қуриш ҳақида баҳслашди. Баҳснинг якуни шу бўлдики, уй-жой қурилишига ҳали ҳам киришилгани йўқ.

Термиз паррандачилик фабрикаси қурилишининг смета нархи 12 миллион сўмга белгиланган. Агар ишнинг бориши ҳозирги суръатда давом этадиган бўлса, қурилиш нормадаги уч йилда эмас, саккиз йилда битиши мумкин. Тўғри, кейнинги йилларда буюртмачи — «Узптицепром» фойдаланишга топириладиган объектларни асбоб-ускуналар билан таъминлашни анча яхшилади. Лекин Қурилиш министрлиги планларни бажармаганлиги сабабли икки миллион сўмликдан ошиқ дастгоҳлар, агрегат ва машиналар ўрнатилмай чанг босиб ётибди.

Паррандачилик объектлари қурилишини муваффақиятли олиб бориш битта бошқармага боғлиқ эмас. Ҳамма гап ижрочи ташкилотларнинг масалага қандай ёндашишларида. Масалан, «Главсредазирсовхозстрой» Ильич районидаги паррандачилик фабрикаси қурилишини «Обручевсовхозстрой» трести (бошқарувчиси И. Гамбург)га топширган. Қурилиш 1973 йили бошланди. Ҳозиргача қувватларнинг ярмисигина ишга туширилди. Уй-жой биноларини ва ёрдамчи бинолар ва қушхона цехи қурилиши ҳаддан ташқари чўзиб юборилди.

Паррандачиликни тараққий эттириш мақсадида партия ва ҳукуматимиз томонидан ажратилган капитал маблағларни тўла ўзлаштириш — тухум ва парранда гўшти етиштиришни кўпайтиришни таъминловчи омиллардан бири. Паррандачилар ва бинокорларнинг ўзаро ҳамкорлиги бу вазифанинг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилади.

Д. ПОЛЕВОЙ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарори амалда

УЛКАН МАҚСАД ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳар бир маккажўхорикорлик бригадасининг коллективи илғор иш усулларини қўлланаётган пешқадамларга тенглашади, рекорд ҳосил олиш учун юришнинг барча иштирокчилари янгидан-янги катта резерврларни ишга туширадилар. 1977 йилда олинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз тўла ва ортиғи билан бажарадилар ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб ишонч билдиради.

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитетининг «Республика маккажўхорикорларининг социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қароридан).

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика маккажўхорикорларининг социалистик мусобақаси тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Маккажўхорикорларимиз учун программ ҳужжат бўлган бу қарорки атрофлича ўрганиб чиқдик ва унда қўйилган вазифалар асосида конкрет режалар тузиб олдик.

Маълумки совхозимиз пахтачиликка ихтисослашган хўжалик ҳисобланади. Шу билан бирга, биз хўжалигимизда чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашга ҳам катта аҳамият берямиз.

Биз жами 912 гектар майдонга чорва учун ем-хашакбоп экинлар экканмиз. Шундан 552 гектари маккажўхори, 153 гектар ердаги маккажўхори силосбоп қилиб ўстириляпти, 295 гектар майдондаги алоҳида меҳр билан парваришланаётган ўсимликдан эса мўл-кўл «каҳрабо дон» олишни мўлжаллаяпмиз.

«Каҳрабо дон» ҳақида гап борар экан, маккажўхорикорларимиз кўнгилларига тугиб қўйган эзгу ният ҳақида икки оғиз тўхталиб ўтмоқ жоиздир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев ўтган йили республикамиз маккажўхорикорлари меҳнатига берган юксак баҳодан бениҳоя руҳланган деҳқонларимиз ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини «каҳрабо дон»дан рекорд ҳосил олиш йилига айлантиришга қатъий аҳд қилдилар. Бахтимиз қўмуси бўлмиш ияи Конституциямиз лойиҳаси муҳокама қилинаётган шу кечакундузда бизнинг поёнсиз маккажўхоризорларимизда ҳам меҳнат суроғи авжида. Тўрттала йирик маккажўхорикорлик бригадалари ишчилари ўзаро фикрлашиб, олинган мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. ва гектар бошига 100 центнердан ошириб «каҳрабо дон» оламиз, деган қатъий қарорга келдилар.

Шу ўринда кўп йилларидан буён маккажўхоричилик бригадасига раҳбарлик қилиб келаётган тадбиркор деҳқон коммунист Мамарўзи Узоқов бошлиқ бригада иши хусусида икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман. Коммунист ўртоқ М. Узоқов бу йил областдаги энг юқори ҳосилли маккажўхорикорлар билан беллашиш учун майдонга тушди. Унинг бригадаси 111 гектар майдонда маккажўхори етиштирмоқда. Бригада азаматлари уруғнинг ёнбоши ерга тегаётган баҳор кунларидаёқ ҳар гектар ердан 120 центнердан «каҳрабо дон» етиштирамиз, деб аҳду паймон қилган эдилар. Ишлар ҳам шунга яраша давом этяпти. Хусусан, дон учун ажратилган 74 гектар майдонда экинлар ғоят бўлиқ бўлиб ўсмоқда. Бўйи икки метрларга етиб қолган ҳар туп ўсимлик ҳозирнинг ўзида икки-учтадан сўта чиқариб, мўл ҳосилдан далолат бермоқда.

Ишбилармон коммунист раҳбарлик қилаётган шу бригаданинг ўзи бу йил қарийб 890 тонна дон етиштиради. Айни пайтда 3193 тонна силос бостириш кўзда тутилмоқда. Бу — амалга ошиши аниқ бўлган реал гап. Фақат шу бригададагина эмас, балки бутун совхозда ҳам энг яхши механизатор, энг тажрибали сувчи деб ном олган. Мамадали Каримов, Жумабой Нишонов каби азматлар юбилей йили маррасини сўзсиз эгаллаш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Коммунист Абдуфаттоҳ Ражабов бошлиқ бригада ҳам совхозимиздаги йирик маккажўхорикор бригадалардан бири ҳисобланади. Бригаданинг мавжуд 115 гектар майдонидаги маккажўхорини ҳозир учинчи комплекс парваришдан чиқарилди, барча майдонлар икки марта ўғитланди. Бригада азаматлари юбилей йилида Ватан омборларига 679 тонна маккажўхори дони тўкишмоқчи, 3243 тонна силос бостирилади.

«Гектаридан юз центнердан ошириб дон, 600 центнердан қўқпоя оламиз, — деб майдонга тушган бригадаларимиз номини яна санаб кўрсатиш мумкин. Ф. Исмоилов, И. Тўраназаров каби азамат деҳқонлар бошқараётган коллективлар ҳам Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги нишонланадиган йилни гектаридан 110 центнердан қимматбаҳо дон етиштириш билан кутиб олишмоқчи. Техникадан, ўғит ва сувдан, иш қунининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланаётган бу коллективлар меҳнати ғоят самарали бўлиши ҳозирданоқ сезилиб турибди.

Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш ярим йиллик плани муддатидан илгари бажарилди, маҳсулот етиштириш бирмунча ошди. Бу, фақат маккажўхорининг шарофатидан. Унинг тўйимли кўк пояси чорва молларимиз этига эт, сутига сут қўшяпти. Бўрдоқига боқилаётган 205 қорамолнинг ҳар бири суткасига 450 граммгача семирмоқда. Чорва молларини кунига ўнлаб тонна кўкпоя билан боқяпмиз. Бу масаланинг бир томони. Муҳими шундаки, биз мавсумда тайёрлайдиган 18224 тонна ем-хашакнинг 7 минг тоннаси силос бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарори муносабати билан биз маккажўхоричилик бригадалари коллективлари билан суҳбатлашдик, дала ишларининг боришини таҳлил этдик. Гапнинг очиғи, таҳлил натижалари бизни мамнун этди. Далаларимизда мўл маккажўхори ҳосили етиштирилаётгани, агар астойдил меҳнат қилинса, янги мажбуриятдан ҳам ўзиб кетиш имкони борлиги равшан бўлиб қолди. Фурсатдан фойдаланиб, шуни айтмоқчи эдим: бу йил биз она-Ватанга 2950 тонна «каҳрабо дон» армуғон қиламиз! Бу салмоқли ҳосил миришкорларимиз қўли билан бунёд этилмоқда.

Инсон қадр-қимматини юксакка кўтарган, унинг барча қобилиятини тўла намоён этадиган, одам боласига барча жабҳаларда кенг фаолият майдони очиб берган янги Конституциямиз лойиҳаси муҳокама қилинаётган шу кунларда бизнинг совхозимиз меҳнаткашлари ҳам юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Совхозимиз кўп қиррали хўжалик. Биз бу йил давлатга 6 минг тонна пахта, кўп миқдорда мева, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари топширишимиз керак. Шунингдек, 900 тонна сут, 252 тонна гўшт, 65 центнер жун тайёрланиб давлатга етказиб берилади. Ярим йиллик якуни бу вазифалар муваффақиятли адо этилажагидан далолат бериб турибди. Шу тарзда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг барча турлари бўйича йиллик планларни ноябрнинг биринчи ўн кунлигида ошириб адо этиш ниятидамиз. Яқин кунлар ичида 400 бош соғин сигирга мўлжалланган, иш жараёнлари тўла механизациялашган янги чорвачилик комплексининг фойдаланишга топширилиши ишимизга катта наф келтириши аниқ.

Моли тўқнинг кўнгли тўқ, деган нақл бор. Бу гапнинг тагида катта маъно бор. Бир йилда чорва учун камида икки йиллик озуқа жамгаришга ҳаракат қиляпмиз. Бу ўринда, яна бир бор таъкидлаб ўтмоқ керакки, шарофатли экин — маккажўхори ғоятда қўл келмоқда. Ҳам дон, ҳам озуқа бўлган бу экинга нақд бойлик, деб катта ихлос қўйганимизнинг боиси ҳам шунда.

Усмон ЮНУСОВ,
Фарғона районидаги «Фарғона» совхоз директори.

Реклама ва эълонлар

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Муҳаббат ёзи** (катта зал), **Аёл ва иблис** (кичик зал, кундуз ва кечқурун)

Муҳаббат ёзи — «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Кенгуру — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Кадкинни ҳамма билади — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).

Сиздан угина, биздан бугина — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЕХНИКУМИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:
1977-78 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

РАДИО АЛОҚА ВА РАДИО ЭШИТТИРИШ, ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА СИМ АЛОҚАСИ, ТЕПЛОВОЗ ХЎЖАЛИГИ, ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА АВТОМАТИКА ВА ТЕЛЕМЕХАНИКА, ИЗОТЕРМИК ҲАРАКАТДАГИ СОСТАВ ВА ХОЛОДИЛЬНИК ХЎЖАЛИГИ, ТЕМИР ТРАНСПОРТИДА ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ, ЭНЕРГИЯ ХЎЖАЛИГИ, ЭЛЕКТР ТОРТҚИЧ ХЎЖАЛИГИ.

СИРТҚИ БЎЛИМГА (юқорида саналган ихтисосликлардан ташқари) **ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ.**

Техникумга кирувчилар тўлиқсиз ўрта мактаб базасида она тили (диктант), **математика** (оғзаки); **ўрта мактаб базасида — она тили ва адабиёт** (иншо), **математика** (оғзаки), **имтиҳон топширадилар.**

Техникум директори номига ёзилган аризага: маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, тарихман ҳоли, 3х4 см. ҳажмдаги 5 та фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун корхона раҳбари томонидан имзоланган бўлиши керак), медицина справкаси (286-форма) **илова қилинади.**

АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА (10-синф базасидаги шахслар учун 14 августгача); **СИРТҚИ БЎЛИМДА — 10 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА (сиртқи бўлимда 13 августдан 20 августгача) **ўтказилади.**

Техникум ўқувчиларига йилда бир марта текин темир йўл билети берилади.

ЗАРУР БУЛГАНЛАР ЕТОҚ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Техникум адреси: 700167, Тошкент шаҳри, 2-Сарикульская кўчаси, 3-уй (9-автобуснинг «Темир йўл техникуми», 2, 5, 10-трамвайларнинг «Сарикульская» кўчаси, ёки Будённий кўчаси» бекатлари).

●

Ўзбекистон ССР социал таъминот министрлигининг

ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1977-78 ўқув йили учун

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УҚИШГА 15—25 ЕШДАГИ, 8-10 СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ШАХСЛАР ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР: тикувчи, пойафзалчи, радиотелемеханик, бухгалтер.

Инвалидлар, кўп болали оналар, ёлғиз оналар, Улуғ Ватан уруши инвалидларининг болалари ўқишга райсобесдан справка тақдим этганлари тақдирдагина қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга кечки ишчи-ёшлар мактабининг 9-11 синфлари программаси бўйича ўзбек ва рус тилларида таълим берилади Бир кун умумий таълим ўқиши, иккинчи кун ишлаб чиқариш таълими.

Билим юртида ётоқхона ва ошхона мавжуд.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши зарур: медицина справкаси (286-форма), мазкур касбда ўқиш ҳақидаги тавсиянома билан ВТЭК ҳамда инвалидлик группаси ҳақидаги справка, аттестат ёки маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), райсобес йўлланмаси, ўқиш ёки иш жойидан характеристика, автобиография, директор номига ариза, 4 та фотосурат (3х4 см).

ПАСПОРТ ВА ҲАРБИЙ БИЛЕТ ШАХСАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР — 15 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: 700113. Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Г. Гулом кўчаси, 47-уй (автобуслар —2, 13, 29, 48 трамвайлар — 9, 15, 19, 21, «Волгоградская» кўчаси).

Оламда нима гап

БУЮК ВОҚЕА

Яқинда Гондурас пойтахти Тегусигальпа шаҳрида Гондурас Компартиясининг III съезди бўлиб ўтди. Бу съезд Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисидаги резолюцияни бир овоздан қабул қилди. Съездимиз, дейилади резолюцияда, буюк тарихий воқеа юбилейи байрами олдидан тайёргарлик кўрилаётган бир вақтга тўғри келди.

Октябрь революциясининг ғалабаси бутун инсониятнинг тараққиётига жуда катта таъсир ўтказди. Бу революция янги даврни, капитализм дан социализмга ўтиш даврини, халқларнинг империалистик ва мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш учун кураш даврини бошлаб берди.

Ҳужжатда яна қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: Улуғ Октябрь революцион жараёнинг сифат жиҳатидан янги даврини очди, жаҳон социалистик системасини вужудга келтиришга ёрдам берди. Улуғ Октябрь революциясининг таъсири билан халқаро коммунистик ҳаракат жипслашди, империализмга қарши, тинчлик, демократия, социал тараққиёт учун кураш ғоят кенгайиб кетди.

Октябрдан кейин ўтган олтмиш йил мобайнида Совет Иттифоқи ҳаётининг ҳамма соҳаларида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди.

Резолюцияда совет халқининг буюк зафарларида, тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун курашда КПСС жуда катта роль ўйнаётганлиги уқтириб ўтилади.

Совет Иттифоқининг тарихий тажрибаси, деб таъкидлайди Гондурас коммунистларининг III съезди, ишчилар синфининг марксчаленинча назария билан қуролланган революцион партиясигина социалистик революция ғалабаси йўлидаги курашни тўғри йўлдан олиб бора олади ва янги жамият қурилишига раҳбарлик қила олади, деб бизга таълим бермоқда.

Гондурас Компартиясининг III съезди Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг, шонли совет халқининг КПСС XXV съезди қарорларини бажаришда, коммунизм қурилишида янгидан янги катта муваффақиятларни қўлга киритишларини истайди.

Съезд Гондурас коммунистларини, мамлакатдаги барча демократик кучларни Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини кенг нишонлашга, асримиздаги ана шу буюк воқеани ўз сафларимизни жипслаштириш шиори остида байрам қилишга даъват этди.

(ТАСС).

ДАРМУТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТУГАДИ

Юрмалада (Латвия ССР), СССР ва АҚШ Сиёсий, илмий, савдо-саноат ва жамоат доиралари вакилларининг XI Дармут конференцияси ўз ишини тамомлади.

Конференция қатнашчилари Совет—Америка муносабатларининг кўпгина масалаларини ва халқаро проблемаларни муҳокама қилиб, бир овоздан қўшма ахборот қабул қилдилар.

Конференция қатнашчилари Хельсинкидаги кенгаш Якунловчи актининг муҳимлигини ва унинг Европадаги давлатлар ўртасида хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш негизи сифатидаги аҳамиятини алоҳида уқтириб ўтдилар.

Бир қанча проблемаларга ёндашишда ихтилофлар борлигига қарамай, дейилади ахборотда, конференцияда Совет —Америка муносабатларини нормалаштириш ва конструктив ривожлантириш йўлидаги куч-ғайратларни давом эттириш ҳамда интенсивлаш зарурлиги тўғрисида бир фикрга келинди.

(ТАСС).

Нью-Йоркда Чили халқининг фашист хунтаси режимига қарши курашини қўллаб-қувватлаш мақсадида намойиш ўтказилди. Намойиш қатнашчилари хунтанинг ёвузликларини ғазаб билан қораладилар ва Чилида инсон ҳуқуқлари қўпол равишда поймол этилаётганлигига чек қўйилишини, сиёсий маҳбусларнинг барчаси озод этилишини талаб қилдилар. Улар шунингдек, Сантьягода Пиночет режими жиноятларига қарши норозилик билдириб очлик эълон қилган бир гуруҳ чилиликлар билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар. Суратда: намойиш қатнашчилари.

И. Меркурин фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ҚИЗИҚИШ КАТТА

Қўшма Штатлардаги миллионлаб китобсеварлар Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик мамлакатларда чиқарилаётган китобларга зўр қизиқиш билан қарамоқдалар.

Чикагодаги «Импортед паблликейшн инфорпорейтед» китоб савдоси фирмаси президенти Н. Кэрлининг маълум қилишича, америкалик китобхонларни Совет Иттифоқида нашр қилинган сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, бадиий ва болалар адабиёти ғоят қизиқтирмоқда.

Бироқ, совет китобларини АҚШда тарқатиш йўлида ҳали кўпгина қийинчилик ва ғовлар мавжуд. Шу боисдан СССР ва совет халқининг ҳаёти тўғрисида тасаввур берувчи асарларни Американинг китоб магазинларида жуда кам кўриш мумкин.

Айни вақтда Совет Иттифоқи тўғрисида туҳмат гаплар билан тўлиб-тошган, Советларга қарши ёзилган асарлар магазинларга кўплаб қўйилган.

(ТАСС).

ЯНГИ ГИДРОКОМПЛЕКС

Ҳиндистоннинг Химачал-Прадеш штатида катта гидрокомплекс қуриб битказилди. Комплекс каналларининг узунлиги 40 километрга яқинлашади. Сатлеж дарёси билан Биас ирмоғини боғловчи туннель ва каналлар қуришга 12 йил кетди.

Шу муҳим лойиҳани амалга оширишда икки мингдан ортиқ инженер ва қарийб қирқ минг ишчи қатнашди. Қурилиш жараёнида ҳинд мутахассислари кўпгина мураккаб гидротехника проблемаларини муваффақиятли ҳал этдилар, жумладан жами узунлиги 26 километрга борадиган иккита туннель қурилди. Ҳар бир туннелнинг диаметри 8 метрча.

Янги гидрокомплекснинг бутун мамлакат учун катта иқтисодий аҳамияти бор. У Химачал-Прадеш, Хариана, Панжоб ва Ражастан штатларида ярим миллион гектардан зиёд қурғон ерларни суғоришга имкон беради. Бундан ташқари Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган Бхакра-Нангал гидроэлектростанцияси тўғони ёнида сув сатҳини бир хилда сақлаш мумкин бўлади. Шу билан райондаги аҳоли пунктлари ва саноат корхоналарини электр энергияси билан бетўхтов таъминлаб туришга шарт-шароитлар яратилади.

(ТАСС).

ПОКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТ

ИСЛОМОБОД, 12 июль. (ТАСС). Генерал Зиёул Ҳақ бошчилигидаги ҳарбий маъмурият мамлакатдаги аҳволни барқарор қилиш учун тегишли чораларни кўрмоқда. Панжоб ва Синд вилоятларида касаба союзларининг фаолияти тўхтатилди, забастовка, митинг ва намойишлар ўтказиш тақиқланди. Ёлғон овозаларни тарқатганлик учун, шунингдек қуролли кучларни таҳқир этадиган ҳаракат ва гаплар учун узоқ муддат билан турма жазоси бериш кўзда тутилади. Курол кучи билан талончилик ва ҳужум, ўғирлик қилишда ҳамда қонунга ҳилоф бошқа ҳуружларда қатнашганлик учун ўлим ҳукмигача бўлган қаттиқ жазо жорий этилади.

Ҳарбий маъмурият бошлиғи генерал Зиёул Ҳақ Равалпиндида газета ва журналларнинг редакторлари билан учрашди. У ҳарбий маъмурларнинг шу йил октябрь ойида сайлов ўтказиш ниятида эканлигини яна тасдиқлади ва сайловга тайёргарлик кўриш учун махсус комитет тузилганлигини маълум қилди. Судья Маулви Муштак Ҳусайн шу комитетга бош бўлди. Генерал матбуот ходимларини мамлакатда «тинч ва осойишта вазиятни» қайта тиклашда ҳарбий маъмурларга ёрдам беришга даъват этди.

АФРИКАДАН ДАРАКЛАР

● ТУНИС

Тунис яқинидаги Карфаген шаҳрининг Рим давридан қолган амфитеатрида халқ санъати IX халқаро фестивали очилди. Фестивалда 24 мамлакатдан, шу жумладан Совет Иттифоқи, ГДР, Чехословакия, Венгрия, Польша, Югославия, Гвинеядан келган ижодий коллективлар қатнашмоқдалар.

Большой театрнинг С. М. Киров номли Ленинград Давлат академик опера ва балет театрининг труппалари, бошқа машҳур коллективлар турли йилларда фестиваль программаларида муваффақият билан иштирок этишган эди. Бу йил СССРда кўп миллатли санъатнинг кейинги 60 йил ичида ривож топганлигини Татаристон АССР ашула ва рақс ансамбли намойиш қилади.

Фестиваль 17 июлгача давом этади.

Ёзги фестиваллар Ҳаммамет, Набел ва Табаргада ҳам ўтказилади.

● ЖАЗОИР

Жазоирдаги саноат корхоналарида меҳнаткашлар ассамблеяларига депутатлар сайлови бошланди. Бу ассамблеялар ишлаб чиқаришни бошқаришда Жазоир ишчиларини кенг қатнаштирувчи органлардир.

Меҳнаткашларнинг 1974 йилда ташкил этилган ассамблеялари ҳозирги вақтда 250 мингдан зиёд ишчи банд бўлган 50 миллий компанияда ишлаб турибди. Улар корхоналарни бошқаришда ҳамда уларнинг фаолиятини планлаштиришда актив қатнашмоқдалар. Меҳнат интизомини яхшилаш учун, хўжасизлик ва исрофгарчиликка қарши курашмоқдалар. Ассамблеяларнинг корхоналар даромадини тақсимлашдаги иштироки уларнинг ишчилар социал таъминотини яхшилашларига имконият яратиб берди. Заводларда ошхоналар, дам олиш уйлари, медицина марказлари вужудга келтирилди.

● МОЗАМБИК

Мозамбикнинг энг йирик қишлоқ хўжалик корхоналаридан бири «Кооператива агрикола ду Лимпопо» давлат назоратига олинди. Газа вилоятидаги ана шу йирик хўжалик мамлакатнинг энг маҳсулдор районларидан бирини эксплуатация қилиш учун Португалия мустамлакачилари томонидан вужудга келтирилган эди.

Эндиликда бу хўжаликни ҳукумат томонидан тайинланган маъмурий комиссия бошқаради. Бу комиссия қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш масалалари билан бир қаторда коллектив меҳнат формаларини ривожлантириш ва деҳқонларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ишлари билан ҳам шуғулланади.

(ТАСС).

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ

САЛМОНЕЛЛА КАСАЛЛИГИ

Овқат токсикоинфекциялари инсонда учрайдиган юқумли касалликларнинг бир группасини ташкил этиб, улар ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида микроб ва уларнинг заҳарли моддалари таъсирида келиб чиқади. Озиқ-овқат токсикоинфекцияларини келтириб чиқарадиган бактериялар 530 та турга эга. Булардан энг муҳими микробиолог Салмон шарафига қўйилган салмонелла группасидаги бактериялардир. Булар таркибига Бреслау бактериялари ҳамда Гертнер таёқчаси киради.

Булардан ташқари озиқ-овқат токсикоинфекциясини стафиллококк, стрептококк ва ичак таёқчалари ҳам қўзғатиши мумкин. Бу бактериялар билан заҳарланган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш натижасида салмонелла касаллиги пайдо бўлади.

Бу бактерияларни қуйидаги озиқ-овқатларда учратиш мумкин: қорамол гўшти, балиқ, ўрдак ва ғоз гўшти, ўрдак ва ғоз тухуми.

Айрим вақтларда бу мол яшаб турган пайтидаёқ унинг гўшти зарарланган бўлади. Молларни санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмасдан боқиш ҳамда сўйиш, машиналарга ортиб жўнатиш вақтида салмонелла группасидаги бактериялар билан зарарланади. Бундан ташқари кемирувчилар, сувараклар ҳам салмонелла касаллигининг манбаидир.

Ёзда озиқ-овқат маҳсулотларида юқумли микроблар кўпаяди, шу сабабли бу даврда заҳарланиш ҳоллари содир бўлади. Касалликнинг яширин даври кўпинча 8-14 соатга, айрим вақтда 24 соатгача чўзилиши мумкин. Одатда салмонелла касаллиги тўсатдан бошланади. Касаллик умумий дармонсизлик, кўнгил айниш, қайт қилиш, қоринда оғриқ пайдо бўлиш билан ўтади: Беморларнинг тери қатламлари оқаради, қон томирлари таранглашади, қон босими пасаяди. Айрим ҳолларда иситма кўтарилади, бу ҳол икки-беш кун давом этади.

Касаллик ниҳоятда тез авж олиши мумкин: беморларни ҳолдан кетказувчи такрорий қайт қилиш, организмнинг сувсизланиши, тери қатламларининг рангсизлиги, лабнинг кўкариши, қон босимининг пасайиши, мускулларнинг тиришиши кузатилади. Бу хавф даволаниш кеч бошланса янада кучаяди.

Касаллик ўз вақтида даволанмаса, беморларда қуйидаги асоратлар қолиши мумкин: асаб системаси бузилиши мумкин зотилжамга чалинади, буйрак жароҳатланади, юрак, контомирларида ва бўғимларда оғриқ пайдо бўлади.

Касалликнинг олдини олиш тадбирий чоралари қандай? Сўйиладиган моллар устидан ветеринария ва санитария назоратини ўрнатиш, гўшт, балиқ ва бошқа маҳсулотларни сақлашда санитария-гигиена талабларига тўла риоя қилиш, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотларини кулинария жиҳатдан ишлаш ва уни тўғри сақлаш асосий роль ўйнайди. Маҳсулотлар ишланадиган столлар, қийма тахта ва ошхонадаги бошқа буюмлар ниҳоятда тоза бўлиши керак. Мол сўйиладиган ва гўшт нимталанадиган, шунингдек балиқ тузланадиган жойларда доимий ветеринария ва гигиена назорати ўрнатилиши зарур.

Овқатланиш гигиенаси бўйича илмий тавсияномалар етарли. Ана шуларга қатъий амал қилиш бу касалга чалинмасликнинг энг муҳим шартидир.

Ш. МИРЗАЕВ.
Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 8-поликлиника бош врачи.

ВЬЕТНАМ УЧУН МУТАХАССИСЛАР

ТБИЛИСИ. (ТАСС мухбири). Тбилиси ва Руставидаги ҳунар-техника билим юртларида ўқишни тамомлаган вьетнамлик йигит ва қизлардан катта бир группаси 12 июлда Тбилисидан Вьетнам Социалистик Республикасига жўнаб кетди. Улар токарлик, токарлик автоматларининг созловчилари, электрослесарлар, прокат станокларининг вальцовщиклари, домна печларининг горновойлари касбларини эгалладилар.

Ҳунар-техника билим юртларининг энг яхши битириб чиқувчилари республикадаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқишни давом эттириш учун Тбилисида қолдилар.

Сўнгги икки йил мобайнида Грузиядаги ҳунар-техника билим юртларида социалистик Вьетнам учун қарийб 200 нафар юқори малакали ишчи тайёрланди.

ЗАВОД ЦЕХИДА ТЕАТР

«Ташкенткабель» заводида иш куни тугагач, каротаж кабеллар цехи олдидаги ёзги майдончага биринчи смена ишчилари тўпланишди. Цех ҳаваскор театри «Довюрак қалб» спектаклининг премьерасини кўрсатди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган бу спектакль Совет ҳокиматининг қарор топиши ҳақида, курашда халқ оммасига таянган большевик революционерларнинг фидокорлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

Янги постановкада ролларни цех ишчи ва хизматчиларининг ўзлари — кранчи аёл ва инженер, кутубхоначи ва станокларни созловчи аёл ижро этадилар. Ҳаваскор коллективга эса у ташкил қилинган кундан буён мана 12 йилдирки, Тошкент театр рассомчилик институти режиссёрлик факультетининг ўқитувчиси, кабелчилар маданият саройининг собиқ бадиий раҳбари Н. Г. Кирилова бошчилик қилмоқда. Яқин кунлар ичида ҳаваскор артистларнинг янги асари оталиқдаги колхозларда кўрсатилади.

Ҳозир заводда цех халқ ашула ва рақс ансамбли, ўзбек халқ асбоблари оркестри, эстрада театри ҳам ишлаб турибди.

(ЎзТАГ)

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси коллективи киностудиянинг оператори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими А. Раҳмоновга онаси

Файзинисо РАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Тошкент Давлат консерваториясининг ректори М. Раҳмоновга онаси

Файзинисо РАҲМОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Концерт. 11.00 — «Раддия» (бадиий фильм, 2-серия). 12.10 — **Бизнинг биография — 1955 йил.** 14.50 — Илмий-оммабоп фильм. 15.40 — Н. А. Островский. «Пўлат қандай тобланди». 16.30 — Виз табиат билан танишамиз. 16.50 — Концерт. 17.00 — Рус тили. 17.45 — Шахмат мактаби. 18.15 —«Зарница». 19.00 — Янгиликлар. 19.10 — Расмларда қуёш анси бор. 19.25 — Телеочерк. 19.55 — Концерт. 20.10 — «Раддия» (бадиий фильм, 3-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Футбол: «Динамо» (К) — «Арарат». 23.45 — Концерт. 00.10 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.25 — Нева соҳилларининг мўъжизакор эртаклари. 13.05 — «Улуғ тарих саҳифалари» (бадиий фильм). 18.30 — «Ёшлик». 19.05 — «Октябрь меҳнинг тақдиримда». 19.35 — «Ахборот». 20.00 — Дутор ва танбур тароналари. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — М. Бобоевнинг адабий портрети. 22.35 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.50 — «Жўра саркор» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Тирик мурда» (фильм-спектакль, 2-серия). 20.25 — Реклама. 20.35 — Янгиликлар. 20.55 — Фильм-концерт. 21.25 — Математика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Э. Воҳидов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 9.30 — Ўзбек музикали комедияларидан парчалар. 11.15 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама қиламиз. 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Мен бахтиёрман» (радиоочерк). 13.30 — Оперетталардан саҳифалар. 14.00 — Халқ назоратчилари мўл ҳосил учун курашда. 15.10 — Иттифоқчи республикалар радиофестивали.Эфирда Украина ССР. 19.00 — Маиший хизмат ҳамманинг иши. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Татар қўйлари. 21.00 — Достонлардан қўшиқлар. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига мувофиқ концерт. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — «Замондошларимиз». 23.15 — Дам олиш концерти.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИСИ ЁШЛАРИДАН МАМЛАКАТ МАРКАЗИЙ ШАҲАРЛАРИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

1977–1978 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАМЛАКАТНИНГ МАРКАЗИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ РЕСПУБЛИКАНИНГ ҚУЙИДАГИ ТАЯНЧ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЮКЛАТИЛГАН

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Москва алоқа электротехника институтига: алоқа корхоналарининг машина ва ускуналари.

Минск радиотехника институтига: радиотехника.

Новосибирск алоқа электротехника институтига: алоқа экономикаси ва уни ташкил этиш.

Севастополь приборсозлик институтига: ахборотларни ишлаб беришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Москва ўрмон-техника институтига: ўрмон саноати ва ўрмон хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

Ленинград ўрмон-техника академиясига: ўрмон инженерлик иши.

Украина қишлоқ хўжалик академиясига: қишлоқ хўжалиги.

Воронеж ўрмон-техника институтига: ўрмон инженерлик иши, ўрмон саноати ва ўрмон хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Москва нефть химияси ва газ саноати институтига: газ-нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларини лойиҳалаштириш ва уларни эксплуатация қилиш, газ-нефть қувурлари, газ омборлари ва нефть базаларини қуриш.

Н. Э. Бауман номли Москва олий техника билим юртига: ички ёниш двигателлари.

Москва пўлат ва қотишмалар институтига: фойдали қазилмаларни бойитиш, қора металлар металлургияси, қора ва рангли металларни қуюв ишлаб чиқариш, металлшунослик, металларни термик ишлаш ускуналари ва технологияси, металларни босим йўли билан ишлаш.

Москва энергетика институтига: электр аппаратлари.

Москва ўрмон-техника институтига: ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати машиналари ва механизмлари.

Москва химия-технология институтига: электрохимия ишлаб чиқариши технологияси.

Ленинград ўрмон-техника академиясига: ёғочнинг химиявий технологияси; целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқаришнинг химиявий технологияси, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Ленинград кон институтига: кон иши, кон саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Ленинград политехника институтига: машиналар ҳамда металларни босим йўли билан ишлаш.

Ленинград аниқ механика ва оптика институтига: аниқ механика приборлари.

Ленинград инженерлик-қурилиш институтига: табиий ва оқар сувларни тозалаш.

Ленинград инженерлик-экономика институтига: энергетика экономикаси ва уни ташкил этиш, химия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Ленсовет номидаги Ленинград технология институтига: лак-бўёқ ва лак-бўёқли қопламаларнинг химиявий технологияси.

Киев политехника институтига: машиналар ҳамда металларни босим йўли билан ишлаш технологияси, машиналар ҳамда полимер материалларни буюмлар ва деталларга айлантириш технологияси, ахборот-ўлчаш техникаси, электр шохобчалари кибернетикаси, целлюлоза-қоғоз корхоналари машиналари ва аппаратлари.

Киев озиқ-овқат саноати технологияси институтига: нон ёпиш, макарон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси; қанд моддалари технологияси.

Харьков коммунал-қурилиш инженерлари институтига: табиий ва оқар сувларни тозалаш.

Воронеж ўрмон-техника институтига: ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноати машиналари ва механизмлари.

Уфа авиация институтига: машинасозликни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш.

Жданов металлургия институтига: металлшунослик, металларни термик ишлаш ускуналари ва технологияси, металларни босим йўли билан ишлаш, металлургия ва пайвандлаш технологияси.

Владимир политехника институтига: шиша ва ситаллаларнинг химиявий технологияси.

Куйбишев политехника институтига: ахборот-ўлчаш техникаси.

Рязань радиотехника институтига; ахборот-ўлчаш техникаси.

Қозон химия-технология институтига: электрохимия ишлаб чиқариши технологияси.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

Москва бошқарув институтига: қурилишда бошқарувни ташкил этиш.

Ленинград инженерлик-экономика институтига: шаҳар хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш

Харьков коммунал-қурилиш инженерлари институтига: шаҳар хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

Киев халқ хўжалик институтига: меҳнат экономикаси.

Киев савдо-экономика институтига: товаршунослик ҳамда саноат моллари савдосини ташкил этиш, товаршунослик ҳамда озиқ-овқат моллари савдосини ташкил этиш.

Львов политехника институтига: қурилиш материаллари саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Волгоград инженерлик-қурилиш институтига: шаҳар хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш.

НУКУС ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Астрахань балиқ саноати ва хўжалиги техника институтига: саноат йўли билан балиқ овлаш, ихтиология ва балиқшунослик.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

Н. Э. Бауман номли Москва олий техника билим юртига: юк кўтариш-транспорт машиналари ва ускуналари.

Киев политехника институтига: гидропневматика ва гидроприводи.

Харьков политехника институтига: юк кўтариш-транспорт машиналари ва ускуналари.

Брянск транспорт машинасозлиги институтига: юк кўтариш-транспорт машиналари ва ускуналари.

Харьков коммунал-қурилиш инженерлари институтига: шаҳар электр транспорти.

Владимир политехника институтига: ички ёниш двигателлари.

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Москва полиграфия институтига: полиграфия машиналари, полиграфия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш; китобшунослик ва китоб савдосини ташкил этиш.

Москва бошқарув институтига: қурилишда бошқарувни ташкил этиш.

Украина полиграфия институтига: полиграфия машиналари, полиграфия саноати экономикаси ва уни ташкил этиш.

Уфа нефть институтига: нефть ва газ конлари машиналари ва ускуналари.

Киев инженерлик-қурилиш институтига: қурилишни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш.

Днепропетровск инженерлик-қурилиш институтига: қурилишни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаштириш.

Волгоград инженерлик қурилиш институтига: қурилиш экономикаси ва уни ташкил этиш.

Қозон химия-технология институтига: нефть ва газни қайта ишлашнинг химиявий технологияси.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

Москва енгил саноат технологияси институтига: чарм ва мўйна технологияси, полимер пленкали материаллар ва сунъий чарм.

Москва химия-технология институтига: органик бўёқлар ва оралиқ маҳсулотларнинг химиявий технологияси, пластик массаларнинг химиявий технологияси.

Ленинград тўқимачилик ва енгил саноат институтига: тўқилмайдиган тўқимачилик материалларини ишлаб чиқариш.

Киев енгил саноат технологияси институтига: чарм буюмларини конструкциялаш.

Қозон химия-технология институтига: пластик массаларнинг химиявий технологияси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Москва нефть-химияси ва газ саноати институтига: радиационн химия.

Москва энергетика институтига: иссиқлик физикаси.

Москва Давлат университетига: математика, механика, астрономия, физика, генетика, микробиология

Москва пўлат ва қотишмалар институтига: металлар физикаси.

Ленинград Давлат университетига: снёсий иқтисод журналистика.

Москва ингичка химия технологияси институтига: махсус электрон техника материаллари технологияси, нодир ва сочма элементларнинг химиявий технологияси, биологик актив бирикмаларнинг химиявий технологияси.

Киев Давлат университетига: амалий математика, радиофизика ва электроника.

Минск радиотехника институтига: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар.

Рязань радиотехника институтига: ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар, электрон приборлар.

Киев Давлат университетига: илмий коммунизм.

Қозон Давлат университетига: илмий коммунизм.

Москва геодезия, аэрофотосёмка ва картография инженерлари институтига: картография.

Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтига: кинематография экономикаси.

Ленинград кино инженерлари институтига: киноаппаратура, овоз техникаси, кинофото материалларининг химиявий технологияси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Москва Давлат маданият институтига: кутубхонашунослик ва библиография.

АНДИЖОН МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

2-Москва медицина институтига: биохимия, биофизика.

Қозон медицина институтига: стомотология.

ТОШКЕНТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

Волгоград медицина институтига: стоматология.

Днепропетровск медицина институтига: стоматология.

САМАРҚАНД МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ

Доғистон медицина институтига: стоматология.

Полтава медицина институтига: стоматология.

1977—78 ЎҚУВ ИИЛИДА ШУНИНГДЕК, ФРУНЗЕ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИДА КООПЕРАЦИЯЛАШГАН ТАРЗДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАШ БЎЙИЧА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

АБИТУРИЕНТЛАР ҚУЙИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Тошкент политехника институти: консервалаш технологияси.

Андижон пахтачилик институти: гўшт ва гўшт маҳсулотлари технологияси, сут ва сут маҳсулотлари технологияси

Фарғона политехника институти: консервалаш технологияси; сут ва сут маҳсулотлари технологияси.

РЕСПУБЛИКА ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА КООПЕРАЦИЯЛАШГАН ТАРТИБДА АБИТУРИЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИЛАР.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қизил Ўрда Давлат педагогика институтига: СССР халқлари она тили ва адабиёти.

Қозоғистон педагогика институтига: СССР халқлари она тили ва адабиёти, математика, физика, география, тарих, чизмачилик.

Чимкент Давлат педагогика институтига: СССР халқлари она тили ва адабиёти, математика, физика, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Душанба Давлат педагогика институтига: СССР халқлари адабиёти ва она тили, математика, биология, география, тарих, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДОГОГИКА ИНСТИТУТИ

Туркманистон Давлат педагогика институтига: математика, физика, биология, география, тарих.

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қирғизистон хотин-қизлар педагогика институтига: математика, педагогика ва бошланғич таълим методикаси, химия.

МАМЛАКАТНИНГ МАРКАЗИЙ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ВА КООПЕРАЦИЯЛАШГАН ҚАБУЛ БЎЙИЧА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ШУ ЮҚОРИДА КЎРСАТИЛГАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ.

Санъат, шунингдек, журналистика бўйича конкурсдан ташқари қабул тариқасида олий ўқув юртига кирувчилар ўқитишга юборилган олий ўқув юртларида барча фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Санъат ва журналистика ихтисослиги бўйича кириш имтиҳонлари ва ижодий конкурс ана шу олий ўқув юртлари учун белгиланган муддатларда ўтказилади.

Марказий олий ўқув юртларига юбориш учун номзодлар 1977—78 ўқув йилига белгиланган олий ўқув юртларига қабул қоидаларига тўла мувофиқ равишда, барча фанлардан яхши ва аъло баҳолар билан кириш имтиҳонларини топширганлар ва мазкур олий ўқув юртларида ўқиш истагини билдирганлар ичидан танлаб олинади.

Бунда амалий иш тажрибасига эга бўлган, шунингдек СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиб запаста чиқарилган шахслар тегишли имтиёзлардан фойдаланадилар.

Марказий олий ўқув юртига ва кооперациялашган тартибда иттифоқчи республикалар олий ўқув юртларида кооперациялашган тартибда тайёрланадиган мутахассисликларга кирувчилар тегишли таянч олий ўқув юрти ректори номига 2 та ариза берадилар ва унга ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатни (асли), 286-формадаги медицина справкасини, 3x4 см. ҳажмдаги 4 та фотосуратни, меҳнат стажи бўйича корхона ёки муассаса раҳбарлари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма ҳамда олий ўқув юртига кириш учун характеристика илова қиладилар.

Марказий олий ўқув юртларига қабул қилинган абитуриентлар ётоқ ва стипендия билан таъминланадилар.

Ўқиш тамом бўлгандан кейин эса олган ихтисослари бўйича Ўзбекистон ССРга ишга юборилади.

Мамлакат марказий олий ўқув юртларига ва кооперациялашган тарзда қабул бўйича олий ўқув юртларига кириш конкурсидан ўтолмай қолганлар тегишли таянч олий ўқув юртига кириш конкурси ҳуқуқидан фойдаланадилар.

ЮҚОРИДА КЎРСАТИЛГАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЮБОРИЛАДИГАН ШАХСЛАР РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТАЖРИБАЛИ ПЕДАГОГЛАРИ РАҲБАРЛИГИДА ВА ТЕГИШЛИ МИНИСТРЛИКЛАРНИНГ (идораларнинг) ЙЎЛЛАНМАЛАРИ БИЛАН ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ЖУНАБ КЕТАДИЛАР.

„ЎЗБЕКБИРЛАШУВ“ СИСТЕМАСИДАГИ КООПЕРАТИВ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ

(Тошкент область, Оржоникидзе райони, В. И. Ленин номли колхоз; Тимирязев участкаси)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: таом тайёрлаш технологияси, бухгалтерия ҳисоби, иқтисод ва планлаштириш, товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, маданий моллар товаршунослиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари товаршунослиги, кооператив савдони бошқариш ва ташкил этиш, умумий овқатланиш савдоси ускуналари ва машиналари.

СИРТҚИ ЎҚИШГА: таом тайёрлаш технологияси, иқтисод ва планлаштириш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби.

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ

(Гагарин кўчаси, 43-уй).

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: таом тайёрлаш технологияси, иқтисод ва планлаштириш, нон ишлаб чиқариш, товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, саноат моллари товаршунос—бракёри ,бухгалтерия ҳисоби, бухгалтер-претензионист.

СИРТҚИ ЎҚИШГА: таом тайёрлаш технологияси, иқтисод ва планлаштириш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

ФАРҒОНА КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(Коммунистлар кўчаси, 105-уй.)

ТЕХНИКУМ

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, китоб товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби, иқтисод ва планлаштириш.

СИРТҚИ ЎҚИШГА: товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, иқтисод ва планлаштириш, бухгалтерия ҳисоби.

БИЛИМ ЮРТИ

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: хўжалик моллари билан савдо қилувчи сотувчилар, турли хил моллар билан савдо қилувчи сотувчилар, озиқ-овқат магазинларининг контролёр-кассирлари.

БУХОРО КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(Низомий кўчаси, 2-уй.)

ТЕХНИКУМ

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: иқтисод ва планлаштириш, товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, ҳайвон ва мўйна тери хом ашёси товаршунослиги, саноат ва озиқ-овқат моллари товаршунослиги, хўжалик моллари товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби.

СИРТҚИ ЎҚИШГА: товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, ҳайвон ва мўйна тери хом ашё товаршунослиги, иқтисод ва планлаштириш, бухгалтерия ҳисоби.

БИЛИМ ЮРТИ

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: хўжалик моллари билан савдо қилувчи сотувчилар, турли хил моллар билан савдо қилувчи сотувчилар, инвентаризаторлар, тайёрловчилар, озиқ-овқат магазинларининг контролёр-кассирлари.

ҚАРШИ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(Ленин кўчаси, 52-уй.)

ТЕХНИКУМ

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, саноат ва озиқ-овқат моллари товаршунослиги, бухгалтерия ҳисоби.

СИРТҚИ ЎҚИШГА: товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

БИЛИМ ЮРТИ

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи сотувчилар, турли хил моллар билан савдо қилувчи сотувчилар, хўжалик моллари билан савдо қилувчи сотувчилар, ошпаз-кулинарлар, озиқ-овқат магазинларининг контролёр-кассирлари.

НУКУС КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ ВА БИЛИМ ЮРТИ

(Карл Маркс кўчаси)

ТЕХНИКУМ

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: товаршунослик ва саноат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, товаршунослик ва саноат ҳамда озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, иқтисод ва планлаштириш, бухгалтерия ҳисоби.

СИРТҚИ ЎҚИШГА: товаршунослик ва озиқ-овқат моллари билан савдо қилишни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби.

БИЛИМ ЮРТИ

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: турли хил моллар билан савдо қилувчи сотувчилар, ошпаз-кулинарлар, озиқ-овқат магазинларининг контролёр-кассирлари.

ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(Путилов кўчаси, 210 «а»-уй.)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: официантлар, тайёрловчилар, ошпаз-кулинарлар, озиқ-овқат магазинларининг контролёр-кассирлари, турли хил моллар билан савдо қилувчи сотувчилар.

СИРДАРЁ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(Сирдарё область, «Бахт» посёлкаси)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: саноат моллари билан савдо қилувчи сотувчилар, озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи сотувчилар, ошпаз-кулинарлар, инвентаризаторлар, озиқ-овқат магазинларининг контролёр-кассирлари.

ТЕРМИЗ КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(Пристань кўчаси, 14-уй.)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: саноат моллари билан савдо қилувчи сотувчилар, турли хил моллар билан савдо қилувчи сотувчилар, ошпаз-кулинарлар, инвентаризаторлар, тайёрловчилар, озиқ-овқат магазинларининг контролёр-кассирлари.

АНДИЖОН КООПЕРАТИВ БИЛИМ ЮРТИ

(Навоий проспекти, 96-уй)

КУНДУЗГИ ЎҚИШГА: саноат моллари билан савдо қилувчи сотувчилар, озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи сотувчилар, турли хил моллар билан савдо қилувчи сотувчилар, маданий моллар билан савдо қилувчи сотувчилар, инвентаризаторлар, озиқ-овқат магазинларининг контролёр-кассирлари.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

Кундузги ўқишга ёши 30 дан ошмаганлар, сиртқи ўқишга ёшидан қатъий назар 8 йиллик ёки ўрта мактаб ҳажмида маълумоти бўлиб, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширганлар қабул қилинади.

Аризалар ўқув юртининг директори номига ёзилади ва унга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбари тасдиқлаган кўчирма, кооператив ташкилотининг йўлланмаси, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ёки туғилиш гувоҳномаси, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар кундузги ва сиртқи бўлимларнинг 1 курсига, ўрта маълумотлилар кундузги бўлимнинг 2 курсига, сиртқи бўлимининг 3 курсига кабул килинади.

8-синф ҳажмида маълумотлилардан аризалар 31 июлгача, ўрта маълумотлилардан эса 14 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари техникумнинг билдирувига биноан бир неча потокларда қабул қилинади.

Кирувчилар қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонлари топширадилар: 8-синф ҳажмида маълумотлилар барча бўлимларга—математика (оғзаки), она тили (диктант); Ўрта маълумотлилар товаршунослик, таом тайёрлаш технологияси бўлимларига — она тили ва адабиёти (иншо), химия (оғзаки).

Ўрта маълумотлилар китоб товаршунослиги бўлимига киришда она тили ва адабиёти (иншо) ва СССР тарихи (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Кооператив ҳунар-билим юртларига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, 3x4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ёки туғилиш гувоҳномаси ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Кооператив ҳунар билим юртларига ўқувчилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ҳамма бўлимларда ўқиш муддати 1 йил, фақат ошпаз-кулинарлар бўлимида ўқиш муддати 2 йил.

Р. 01546. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 162.